



НОСИХ ВА МАНСУХ ИЛМИНИНГ ЕВРОПА ШАРҚШУНОСЛАРИ ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИ

Ахматқулов Элёржон Одилбек ўғли,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти,

Тошкент ислом институти ўқитувчиси.

E-mail: 93elyorjon@gmail.com

Аннотация. Мақолада европа мамлакатларида ислом дини ва унинг таълимоти ҳақида маълумотлар кўпайиши натижасида вужудга келган европа шарқшуносларнинг ислом ҳақидаги фикрлари ёритилган.

Калит сўзлар: *наسخ, носих, мансук, Голдзиҳер, Майкл Кук, Монтгомери Ватт.*

Жуда кўплаб Европа шарқшунослари томонидан араб тили, ислом дини, ундаги таълимотлар борасида изланишлар олиб борилган. Ўша изланишлар самараси ўлароқ европа мамлакатларида ҳам ислом дини, унинг таълимоти ҳақида маълумотлар кўпая борган. Натижада эса ислом ҳақида кўплаб маълумотларни ўзида қамраб олган база шаклланган. Буларнинг аксар қисми рисола, тадқиқот ва китоб шаклида ҳам чоп этилган. Бироқ, ушбу маълумотлар манбаининг ҳаммасини ҳам тўғри ва ҳаққоний деб айтиш жуда ҳам мушкул. Негаки, ушбу мавзуларни ўрганиш услубларининг ҳаммаси ҳам холис илмийлик учун бўлмаган. Баъзилар динга нисбатан душманлик кайфиятида, баъзилар эса бу борадаги ўз фикрларини қувватлаш мақсадида ўрганишган. Қолаверса, уларнинг ишларида ақидавий жиҳатларга ўз ақллари билан чуқур ёндашишгани боис уларнинг ишлари кўплаб кишиларнинг эътирозларига сабаб ҳам сабаб бўлган¹²⁶.

Баъзи ғарб тадқиқотчилари томонидан ўрганилган Қуръони каримдаги насх ва мансук масаласи ҳам ана шундай эътирозларга сабаб бўлган тадқиқотлардан ҳисобланади. Ана шундай тадқиқот ишларидан бири Голдзиҳер¹²⁷ томонидан ёзилган “Исломда ақида ва шариат” деб номланган рисоладир. Голдзиҳер Қуръондаги насх – диндаги ички ривожланиш натижасида ҳосил бўлган, пағамбар (с.а.в.) эса шундай қилишга мажбур бўлган, деб даъво қилувчилар тоифасига киради. У ўз рисоласида қуйидагича фикрлаб ўтган: “Пайғамбар (с.а.в.) ўзига хос ички ривожланиш ҳамда вақтинчалик ҳукмлар натижасида ўша вақтдаги баъзи қуръоний ваҳйларни четлаб ўти, янги

¹²⁶ Қаранг: доктор Одил Аббос Нусровий. Шарқшуносларнинг Қуръондаги насх ва мансук борасида айтган ботил ғоялари. 2018.

¹²⁷ Игнац Голдциер, (Goldziher)(1850.22.06, Сакешфехервер – 1921.13.11 Будапешт) венгер арабшуноси ва исломшуноси. Венгрия ФА мухбир аъзоси (1876), Будапешт университети профессори (1894). Исломни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан боғланмаган диний ғоялар эволюциясининг маҳсули деб ҳисоблаган. (википедия.орг)



вахйларни айтган, сўнгра аввалги ҳукм Аллоҳ таолонинг ўзига ваҳй қилган амри билан насх қилинди деб эътироф қилишга мажбур бўлган”¹²⁸. Бу фикрлари билан у ўзининг Қуръони карим пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) томонидан ҳолат тақозосига кўра тўқиб ёзилган, хоҳлаганини шариат ҳукми қилган, нимани хоҳласа насх қилган, деган фикрига ишора қилган.

Голдзиҳернинг бу каби фикрларни юритишига асосий сабаб унинг тор онгида ваҳйнинг нозил бўлиши ҳақиқатга яқин ҳам келиши мумкин эмас, деб ҳисобланганидан нишонадир. Унинг онгида дин тўқима ҳисоблангач, пайғамбарлик ҳақ эканига йўл йўқ бўлганидан кейин, ўзининг қайсарона ҳаракатлари, аҳмоқона далиллари билан пайғамбарликка далолат қилувчи ҳар қандай сабабларни йўқ қилишга қаттиқ “бел боғлагани” кўриниб қолади. Натижада ўзининг “қондош”лари томонидан ҳам рад этилган хатога йўл қўяди.

Ана ўшандай хатолардан бири унинг пайғамбар вафот этганидан кейин исломий давлат ҳудуди янада кенгайиб, турли миллатлар, ўзгача урф-одат ва кўплаб жамиятлар қўшилиши натижасида насх бўлиши яна ҳам афзал ва авло бўлган бўларди, деган фикридир. Ҳолбуки, насх Расулulloҳ (с.а.в.) замонларидан кейин бўлмагани маълум ва машҳур бўлиб, буни бошқа дин пешволари ҳам эътироф этганлар. Бу борада у қуйидаги фикрларни билдириб ўтган.

“Иш пайғамбар даврида шу тарзда экан¹²⁹ ислом араб диёри худудларидан ошиб ўтганидан кейин янада кучли давлатга айланиши, кудратли бўлиши учун ундан кейин ҳам шу тарзда давом этиши тўғри бўларди, балки ундан ҳам авло бўлар эди”¹³⁰.

Унинг насх ва лоҳиёт илмлари борасида бу тарзда фикр юритишига асосий омил арабий меросни ўрганишда ғарб қолипларига тўғри келадиган манҳаж биланиш олиб борилганидир. Голдзиҳер ва унга ўхшаш бошқа тадқиқотчилар ваҳйга имон келтирмаганлар. Натижада ўз услубларига мос келадиган бирор уйдирмани ўйлаб топишлари керак эди. Шу боисдан насх ва Қуръон илмлари борасида ислом дини табиатиға ҳамда исломий маданиятга умуман тўғри келмайдиган йўлларни тутдилар.

Ғарб шарқшуносларидан яна бир синфи мўътадилроқ фикр билдириб, юқоридаги фикрни тўғри эмас, насх билан боғлиқ ҳукмлар пайғамбар асрига тегишли деб, айтади. Улардан бир Майкл Кук¹³¹ шундай дейди: “Нозил бўлган ваҳй ўзининг мазмун-моҳиятиға кўра бир пайғамбар замонидан бошқа пайғамбар замониғача ўзгаришга юз тутиши мумкин... пайғамбар замони тугаб ваҳй тўхтаганидан кейин эса бошқа замонга ўтиши мумкин эмас. Чунки

¹²⁸ Голдзиҳер. “Исломда ақида ва шариат” 33 б.

¹²⁹ Бу билан Расулulloҳ (с.а.в.) динни ўзи тўқиб чиқарганини назарда тутмоқда...

¹³⁰ Голдзиҳер. “Исломда ақида ва шариат” 33 б.

¹³¹ Майкл Кук (Michael Cook) 1940 йил 24 декабрда Буюк Британияда туғилган. Файласуф, тарихчи, Америка фанлар ва илмлар академияси ҳамда Америка фалсафа жамияти аъзоси.



Қуръонда қилинган бирор ўзгариш ёки насх таҳриф¹³² ҳисобланади. Бундай қилиш эса ҳеч кимга мумкин эмас¹³³”

Инглиз файласуфи Монтгомерий Ватт¹³⁴ ҳам ислом тарихи, маданияти борасида тадқиқот олиб борган шарқшунослардан ҳисобланади. У ўзининг қаламига мансуб китобларда насх ҳақида фикрлар билдириб ўтган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Голдзиҳер. Ислонда ақида ва шариат. – Б. 33.
2. Майкл Кук. Муҳаммад ислом пайғамбари. – Б. 55.
3. Одил Аббос Нусровий. Шарқшуносларнинг Қуръондаги насх ва мансух борасида айтган ботил ғоялари. 2018.

¹³² Таҳриф Аллоҳнинг китобига қилинган ўзгариши бўлиб, олдинги умматлар мана шу ишлари учун уқубатларга дучор бўлган.

¹³³ Майкл Кук. “Муҳаммад ислом пайғамбари”, 55 б.

¹³⁴ Монтгомерий Ватт. 1909 йил 14-мартда Буюк Британияда туғилган. Арабшунос, исломшунос, Эдинбург университети профессори. 2006 йил 24 октябрда Эдинбургда вафот этган...